## "ШАРҒУН КЎМИР" АЖ акциядорларининг 2020 йил якуни буйича умумий йиғилиши БАЁННОМАСИ №1

**2021 йил 11 август Соат 15-00** **Шарғун шаҳри, А.Икромов кучаси 50-уй**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони: **7 029 420** дона

Шундан умумий йиғилишда Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийсининг 2021 йил 7 июндаги 79/ЭГ- сонли шартномасига асосан масофадан туриб электрон овоз бериш **"evote.uz"** тизими орқали иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони:
**7 019 434** дона

Санок комиссияси раиси Р.У. Исмадияров сўзга чиқиб, жамиятнинг умумий овоз берувчи акциялар сони **7 029 420** дона эканлигини, шундан умумий йиғилишда қатнашиш учун **7 019 434** дона акцияларнинг эгалари рўйхатдан ўтиб, ушбу йиғилишда иштирок этаётганлигини, бу акциялар умумий сонининг **99,86** фоизини ташкил этишини ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ваколатли деб топиш учун кворум мавжудлигини маълум қилди.

Амалдаги қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши раиси Х.А.Омонов акциядорларнинг умумий йиғилишига раислик қилди.

**Йиғилиш раиси Х.А.Омонов** кворум мавжудлигини эътиборга олиб, акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва умумий йиғилиш раёсатига 3 кишини яъни, Х.А.Омонов, Х.Н.Абдуллаев, Ф.Р.Юсуповларни сайлашни таклиф қилди.

Раёсат аьзолари бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш котиблигига Х.А. Ташкулов сайланди.

### К У Н Т А Р Т И Б И:

1. **Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
2. **Санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**
3. **Жамият ижро органининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва жамиятни бизнес режаси бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.**
4. **Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.**

**5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.**
**6. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.**
**7. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ва ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш.**
**8. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**
**9. Тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш**
**10. Жамият бошқаруви аъзолари билан меҳнат шартномаси муддатини кейинги йиллик акциядорлар умумий йиғилишигача узайтириш.**
**11. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини тасдиқлаш.**
**12. "Шарғункўмир"АЖнинг 2021 йилдаги асосий фаолият кўрсаткичларининг қўшимча таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**
**13. Жамиятнинг 2021 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш.**

**Кун тартибидаги 1-масала бўйича,** Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби масофадан туриб электрон овоз бериш яъни evote.uz тизими орқали иштирок этган акциядорлар таништирилган ва акциядорлар умумий йиғилишининг қуйидаги регламентини тасдиқлаш учун овозга қўйилган:

Кун тартибидаги барча масалалар буйича маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби тасдиқлансин.

2. Сўзга чиққан маърузачига 2 дақиқа, қўшимча савол ва жавоблар учун 2 дақика вакт берилиши тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 2-масала бўйича, жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши саноқ комиссияси таркибига Р.У.Исмадияров, Ф.Х.Тошев ва Ф.Абдурахмановларнинг номзодлари тавсия этилганлигини ва акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги ушбу масалалар масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорлардан ушбу учта номзодлардан иборат саноқ комиссиясини сайлаш тўғрисида таклифни мақуллашди. Ушбу номзодларни тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.
Кўпчилик овози билан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қўйидаги**
**Қарор қабул қилинди :**

1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши саноқ комиссияси Р.У.Исмадияров, Ф.Х.Тошев ва Ф.Абдурахмановлардан иборат таркиби тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 3-масала бўйича,** жамият бош директори в.б: Х.Н.Абдуллаев сўзга чиқиб, 2020 йил якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисобот берди. У ўз ҳисоботида жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ижро органи томонидан қилинган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтди:

Корхонанинг асосий фаолияти кўмир қазиб чиқариш ва сотиш ҳисобланиб, 2020 йил давомида режа бўйича белгиланган 221,0 минг тонна ўрнига 246,8 минг тонна кўмир қазиб олиниб режага нисбатан 111,7 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврида 238,4 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлиб ўсиш суръати 103,5 фоизни ташкил қилди.

Кўмирни устки қатламини очиш (вскрыша) ишлари режадаги 1480,0 минг куб ўрнига амалда 1491,2 минг кубга, режага нисбатан 100,8 фоизга бажарилди.

Лаҳм ўтиш ишлари режадаги 4800,0 погона метр ўрнига амалда 5175,0 погона метрга, режага нисбатан 107,8 фоизга бажарилди.

Ёқилғи ортиш бўйича режада белгиланган 222,0 минг тонна ўрнига 242,7 минг тонна ортилиб, режага нисбатан 109,3 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврида 244,4 минг тонна бўлиб, 99,3 фоизни ташкил қилди.

Қора металл парчалари топшириш режаси 200,0 тонна бўлиб жорий йилда 200,6 тонна топширилиб, белгиланган топшириқ 100,3 фоизга бажарилди.

## II. Молиявий натижалар:

2020 йилда корхонанинг жами даромадлари 81 918,7 млн.сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17 779,4 млн.сўмга ёки 27,7 фоизга ошган (2019 йилда 64 139,3 млн.сўм ни ташкил қилган).

Даромадлар ёйилмаси қуйидагилардан иборат:

- Кўмир маҳсулоти сотишдан даромад (64665,2 млн.сўм) – 78,9 фоиз.
- Темир йўл хизматидан тушган даромад (8 312,8 млн.сўм) – 10,2 фоиз.
- Экспортдан даромад ( 93,3 млн.сўм) – 0,1 фоиз.
- Бошқа даромадлар (5593,4 млн.сўм) – 6,8 фоиз.
- Бойсун лойиҳасидан даромад ( 3254,1 млн.сўм) – 4,0 фоиз.

Жами харажатлар 80 665,6 млн.сўм ни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 18 836,2 млн. сўм ёки 30,5 фоизга ошган (2019 йил – 61 829,4 млн.сўм), шундан:

- Ишлаб чиқариш харажатлари 49 055,1 млн.сўм ни ва ўтган йилга нисбатан 3 977,9 млн.сўм ёки 8,8 фоизга ошган (2019 й – 45 077,3 млн.сўм).

Ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига асосий сабаб очиқ усулда кўмир қазиб олиш участкаларида олдин ер ости усулида қазиб олинган штолнялардан қайта фойдаланганлик сабабли кон юзасини очиш (вскрыша) ишларининг кўтарилиб кетиши, (Маълумот ўрнида: 2019 йилда 1 тонна кўмир қазиб олиш учун 5,9 м3 кон юзаси очилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 9,0 м3 ни ташкил этди) кон юзасини очиш (вскрыша) ишларига ёз ойларида қўшимча ижарага техника жалб қилинганлиги сабаб бўлди.

“Автосарой” даги машина механизмлари ва автосамосвалларнинг ўтган йилларга нисбатан эскирганлиги ва карьер йўлларининг талабга жавоб бермаслиги ҳисобига авто эҳтиёт қисмлар учун харажатлар режага нисбатан ошиб кетди.

Портлатиш ишларига “Гидромахсусқурилиш” АЖ корхонаси жалб қилинган бўлиб, 2020 йилда жами 3187,7 млн. сўмлик портлатиш ишлари бажарилган. Жамиятнинг 2020 йил “Бизнес режа”сига портлатиш ишларига жами 3 751,0 млн.сўм прогноз қилинган, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткичнинг ошиб кетишига асосий сабаб ер ости усулида кўмир қазиб олишнинг ошгани, яъни 2019 йилда ер ости участкасидан 25,9 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 2020 йилда 56,0 минг тонна ёки 116,0 фоизга кўмир қазиб олиш ҳажми ошган. Ер ости усулида кўмир қазиб олиш хажмининг ўтган йилга нисбатан бир баробарга ўсиши ёғоч материаллари ва портлатиш ишлари харажатларининг ошиб кетишига сабаб бўлди.

Бошқа қурилиш ва хом-ашё материаллари харажатларининг 2019 йилга нисбатан ошишига асосий сабаб 2020 йилда 2 та янги 13-15 сонли штолняларда тоғ-кон таёрлов ишлари олиб борилиб, тоғ-кон асбоб-ускуналар ва темир мустаҳкамлагичлар (СВП-22) билан тоғ-кон лаҳмлари ўтилди.

Электрэнергия харажатларининг 2019 йилга нисбатан ошиб кетишига сабаблар 2019 йил 15 августдан электрэнергия нархининг ошиши ва ер ости усулида кўмир қазиб олиш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан бир баробарга ўсиши.

1-АҲКҚВ хизмати харажатларининг 2019 йилга нисбатан ошишига асосий сабаб ойлик иш ҳақи ва 1-АҲКҚВни сақлаш харажатлари нархининг ошиши.

Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати харажатларининг ошишига сабаб янги очилган Портловчи моддалар сақлаш омбори учун қўриқлаш пункти қўшилди.

- Кўмир сотиш таннархи 1 тонна кўмир учун – 198 791 сўмни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 9 717 сум ёки 5,1 фоизга ошган (2019 йил – 189 074 сўм).

- Давр харажатлари 31 610,5 млн.сўм ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 14 858,4 млн.сўм ёки 88,7 фоизга ўсган (2019 й – 16 752,1 млн.сўм).

Давр харажатларининг ўсишига асосий сабаблари, ўтган 2019 йилда темир йўл хизмати харажатлари сотиш харажатларига қўшилмаган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорида, ҳамда 2018 йил 19-20 январ кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи ҳамда Қизириқ туманида ўтказилган йиғилиш якунлари бўйича баённомада ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг “Бойсун кўмир конининг “Жанубий” участкаси шарқий қанотидан йилига 50 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқариш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 16 июлдаги 896-Н-сонли буйруғида берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида, Бойсун кўмир конидан тошкўмир қазиб чиқаришни қайта тиклаш учун 5,0 млн.долларлик “Бойсун кўмир кони “Жанубий” участкасининг шарқий қанотидан йилига 50 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқариш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, 2019 йил 24 июлда “Шарғункўмир” АЖ (пудратчи) ва “Бойсункўмир” МЧЖ (буюртмачи) ўртасида 37-сонли пудрат шартнома имзоланган. Лойиҳа бўйича ҳозирги кунга қадар “Шарғункўмир” АЖ (пудратчи) томонидан (685 метр) 3,96 млрд.сўм ва (2 дона махсус техника) 1,62 млрд.сўм, жами 5,58 млрд.сўмлик ер ости кон лахмларини ўтиш, асбоб-ускуналар, техникалар, материалларни харид қилиш ишлари ва бошқа харажатлар амалга оширилди.

Бундан ташқари 2020 йил феврал ойида ойлик иш ҳақи 10 фоизга оширилган.

Лизинг шартномаси орқали олинган махсус ер ости техникаларининг фоиз харажатлари -270,6 млн.сўмни ташкил қилди.

2020 йил 20,21 ва 31 март кунлари ҳамда 13,15 май кунлари Республиканинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида, шу жумладан “Шарғункўмир” АЖ ҳудудида ва унинг тасарруфидаги “Бойсункумир” МЧЖ ҳудудида ҳам узлуксиз ва шиддатли ёмғир ёғиши оқибатида сел келиши туфайли технологик йўлларга, моддий бойликларга ва кўмир омборларига жиддий шикаст етказиш ҳолатлари кузатилган.

Жумладан: 2020 йил 20,21 ва 31 март кунлари “Бойсункумир” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Шарғункўмир” АЖга қарашли кўмир омборидаги кўмир маҳсулоти бўйича 930 тоннани ёки 269,1 млн.сўмни ташкил килди.

2020 йил 13 – 15 май кунлари “Бойсункўмир” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Шарғункўмир” АЖга қарашли кўмир омборидаги кўмир маҳсулоти буйича 855 тоннани ёки 247,4 млн.сўмни ташкил қилди. “Шарғункўмир” АЖ ҳудудига етказилган зарар кўмир маҳсулоти бўйича 700 тоннани ёки 202,5 млн.сўмни ташкил қилди.

Жами фавқулоддаги зарар- 719,0 млн.сўмни ташкил қилди.

Барча солиқ ва бошқа бюджет тўловларини амалга оширгандан кейин корхонанинг 2020 йилдаги соф фойдаси 107,6 млн.сўмни ташкил қилди.

Кўрилган соф фойда “Шарғункўмир”АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилади.

Ҳисобот даврида ишлаган ходимларнинг ўртача сони 552 киши бўлиб, уларга иш ҳақи фонди ҳисобидан 23 681,0 млн сўм миқдорида иш ҳақи тўлаб берилган. Натижада корхона ходимларининг ўртача иш ҳақи 3 578 270 сўмни ташкил қилиб, 2019 йил га нисбатан 963 668 сўмга ёки 36,9 фоизга ошишига эришилган.

Маъруза илова қилинади:

Жамият бош директорининг ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича қўйидаги Қарорлар қабул қилинди :**

1. Жамият ижро органининг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари ва жамиятни бизнес режаси бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 4-масала юзасидан:** Кузатув кенгашининг 2020 йил давомида кузатув кенгаши томонидан ўтказилган йиғилишлар, жамият томонидан олиб борилган ишлар, жамиятнинг молиявий-иқтисодий кўрсатгичлари, 2020 йил давомида кузатув кенгаши томонидан берилган топшириқларнинг ижроси бўйича ҳисоботи тингланди.

Кузатув Кенгашининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди :**

1.“Шарғункўмир” акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг 2020 йил якуни бўйича ўтказилган йиллик умумий йиғилишлар орасида қабул қилинган йиғилиш қарорлари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан: Жамиятнинг бош ҳисобчиси в.б: Ш.Б.Файзуллаев ҳисобот берди. Жамиятда 2020 йил молиявий фаолият бўйича ҳисоботи қуйидагича:

Асосий воситалар харакати «Шарғункўмир» АЖда 2020-йил 01.01.2020-йил ҳолатида асосий воситалар бошланғич қиймати 40 372 574 минг сўмни ташкил этиб, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида асосий воситалар бошланғич қиймати 49 700 399 минг сўмни ташкил этди. Асосий воситаларнинг йил бошига нисбатан 9 327 825 минг сўмга кўпайишига асосий сабаб, корхонада ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва ишчи хизматчиларни иш жойига бориб келиш шароитини яхшилаш мақсадида 2 дона гусеничный экскаватор (Uz XCMG) 3 млрд 102 минг сўмга, 1 дона бульдозер (Uz XCMG) 1 млрд 995 минг сўмга, 1 дона вахтовый автобус Камаз 762 млн сўмга, 1 дона LADA XRAY CROSS 134 млн сўмга, бундан ташқари компютер техникалари, офис ва мебел жиҳозлари, бино иншоотларнинг капитал реконструкциялари асосий воситаларнинг кўпайишига асосий сабаб бўлди. (Асосий воситаларнинг кирими ва чиқими бўйича ҳисобот илова қилинади) Ҳисобот йили охирида асосий воситаларнинг эскириш қиймати 22 622 509 минг сўмни, қолдиқ қиймати 27 077 890 минг сўмни ташкил этган

Узоқ муддатли инвестициялар 2020-йил 1 январь ҳолатида 3 664 272 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2020-йил давомида 496 618 минг сўмга кўпайиб 2021 йил 1 январь ҳолатида 4 160 890 минг сўм узоқ муддатли инвестициялардан қолдиқ қолган. Узоқ муддатли инветицияларнинг 2020-йил давомида ошишига сабаб, Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2019 йил 30 апрель ва 1 май кунлари Сурхонадарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириклар ва Халк депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган 17-сонли йиғилиш баёни, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 августдаги “2019-2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани ва Шарғун шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 711-сон карори ижросини бажариш мақсадида очилган 3 та корхона уставига таъсисчи бўлиб киришдир. (Узоқ муддатли инвестициялар бўйича маълумотнома илова қилинади)

Капитал қўйилмалар 2020 йил 1 январ холатида 289 797 417 минг сўм бўлиб, 2020 йил давомида 266 077 821 минг сўмлик капитал қўйилмалар кирим килинган 2020 йил 31 декабрь холатига 555 875 238 минг сўмни ташкил этган. Капитал қўйилмаларнинг таркиби “Шарғункўмир” АЖ модернизация лойиҳасини амалга ошириш дирекцияси орқали қилинган харажатлар ва модернизация ишлари бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар, ўрнатиладиган асбоб ускуналардан иборатдир. (“Шарғункўмир”АЖни модернизация лойиҳасини амалга ошириш дирекцияси харажатлари бўйича маълумотнома илова қилинади)

Накд пулсиз ҳисоблашишлар жамиятнинг 20210000000311045001 сонли жорий рақами ва мақсадли маблағлар учун 23202000900311045001, 22626000500311045001 ижтимоий таъминот 20210000000311045888, валюта учун 20210840400311045003 сонли махсус рақамлар орқали пул муомалалари амалга оширилган.

2020 йил 1 январ ҳолатида асосий ҳисоб рақамда 1 218 959 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, 2020 йил йил давомида 76 437 273 минг сўм кирим бўлиб, 2020-йил давомида 77 363 645 минг сўм чиқим бўлган. 2020 йил 31 декабрь ҳолатида накдсиз маблағлардан 292 587 минг сўм қолдиқ қолган. Мақсадли маблағларни кўчириш махсус ҳисоб рақамида 2020 йил 1 январ ҳолатида 14 547 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, 2020 йил давомида жами 31 292 424 минг сўм кирим бўлиб, 31 306 971 минг сўм чиқим бўлган 2020 йил 31 декабрь ҳолатида накдсиз маблағдан қолдиқ қолмаган.

Иккинчи мақсадли маблағларни кўчириш махсус ҳисоб рақамида 2020 йил 1 январ ҳолатида 820 427 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, 2020 йил давомида жами 5 659 384 минг сўм кирим бўлиб, 6 111 367 минг сўм чиқим бўлган 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 368 445 минг сўм накдсиз маблағдан қолдиқ қолган.

Дирекция иш ҳаққи бўйича ҳисобрақамида ҳам 2020-йил 31 декабрь ҳолатида 2 704 минг сўм накдсиз маблағ қолган.

Валюта ҳисоб рақамига 2020 йил давомида накдсиз пул маблағларидан 9 740 АКШ доллари кирим булган ва АКШ доллари чиқим бўлмаган. (Банк ҳисобрақамларидаги пул маблағларининг айланмаси бўйича маълумотнома илова қилинади)

## Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган тўловлар бўйича ҳисоб китоблар

Жамиятда 2020 йил 01 январ ҳолатида ишловчилар сони 574 нафар бўлиб 2020-йил давомида 68 киши ишга кирган, 53 киши ишдан бўшаган 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 589 нафар ишловчи бўлган.

2020 йил 31 декабрь ҳолатида ишчи ходимлардан иш хақи ва унга тенглаштирилиган тўловлар бўйича 2 629 281 минг сўм кредитор қарздорлик сақланиб қолган.

## Товар моддий захиралар

2020 йил 01 январ ҳолатида ишлаб чиқариш захираларидан 4 499 420 минг сўм қолдиқ бўлиб, 2020-йил давомида 16 172 581 минг сўм кирим ва 18 871 397 минг сўм чиқим бўлган. Натижада 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 1 800 604 минг сўмлик товар моддий бойликлари қолдиғи қолган. (Товар моддий захиралар қолдиғи бўйича маълумот илова қилинади) Ҳисобот даври охирида товар моддий бойликларни ҳисобот даври бошидагига нисбатан камайишига асосий сабаб, корхонада “Бойсункўмир” МЧЖ нинг модернизация ишлари учун олиб келинган ТМЗ лар январь-декабрь ойларида ҳисобдан чиқарилди ва ундан корхона асосий фаолиятининг бошқа даромадлари ошишига олиб келди.

2020 йил 1 январ ҳолатида 3100 счёти келгуси давр харажатлари қолдиғи 181 286 минг сўм бўлиб, 2020 йил давомида 398 526 минг сўм келгуси давр харажатлари кирим қилинган, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 579 812 минг

сўм қолдиқ қолган.  (Келгуси давр харажатлари таркиби бўйича маълумотнома илова қилинади)

Тайёр махсулот бўйича кўмир айланмаси 2020 йил 01 январ ҳолатида 10 858,2 тонна 2 811 443 минг сўмлик тайёр махсулот қолдиғи мавжуд бўлиб, 2020 йил давомида 246 761.7 тонна  50 124 691 минг сўмлик кўмир ишлаб чиқарилган бўлиб, 242 667,8 тонна 49 875 713 минг сўмлик тайёр маҳсулот чиқим қилинган. 2020 йил 31 декабрь ҳолатида жамиятда 14 952,1 тонна 3 060 421 минг сўмлик қолдиқ мавжуд бўлган.  (Тайёр маҳсулот (2810) қолдиғи бўйича маълумотнома илова қилинади)

## СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР

### Умумдавлат солиқлар бўйича

#### Фойда солиғи

Жамият бухгалтерияси томонидан 2020 йилда 155 874 минг сўм фойда солиғи ҳисобланди.

#### Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

2020 йилда жамият ишчи ходимларидан 3 019 681 минг сўм даромад солиғи ҳисобланган.

#### Қўшилган қиймат солиғи

Жамият хисоб китоби буйича кўшилган қиймат солиғи 6 644 875  минг сўм хисобланган.

#### Сув солиғи

2020 йилда  молиявий ҳисоботида 13 945 минг сўм сув солиғи ҳисобланган.

#### Ер қаридан фойдаланганлиги учун солиқ

2020 йилда  молиявий ҳисоботда ер қаъридан фойдаланганлиги учун солиқ    2 637 770 минг сўм  ҳисобланган.

### Махаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича

#### Мол - мулк солиғи

2020 йилда жамият мол - мулк солиғи  63 728  минг сўм ҳисобланган.

#### Ер солиғи

Ер солиғи 2020 йилда 777 288 минг сўм ҳисобланиб, туман ДСИ га тўғри тақдим этилган.

Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларга тўловлар бўйича

Ягона ижтимоий тўлов

2020 йилда ягона ижтимоий тўлов 3 011 745 минг сўм ҳисобланган.

Даромадлар ёйилмаси. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботида жамият махсулот сотишдан 73 071 291 минг сўм, бошқа фаолиятдан даромади 8 838 232 минг сўм, Валюта курси фаркидан 9 229 минг сўм даромад олган, жами жамият 81 918 752 минг сўм даромад олган.

Харажатлар ёйилмаси 2020 йил давомида олинган даромад учун жамият ўз ҳисобидан қуйидаги харажатларни амалга оширган.

| | | |
|---|---|---|
| Сотилган махсулотни таннархи | 49 055 111 | минг сўм |
| Давр харажатлари | 31 610 498 | минг сўм |
| Шундан; | | |
| Сотиш харажати | 8 774 901 | минг сўм |
| Маъмурий харажатлар | 4 557 779 | минг сўм |
| Бошка операцион харажатлар | 18 277 818 | минг сўм |
| Фоизлар шаклидаги харажатлар | 270 635 | минг сўм |
| Фавкулоддаги фойда ва зарарлар | 719 029 | минг сўм |
| Даромад (фойда) солиги | 155 874 | минг сўм |
| ***Жами харажатлар :*** | 81 811 147 | минг сўм |

2020 йилда жамиятда тузилган бизнес режада давр харажатлар жами 7 372 482 минг сўм қилиб белгиланган бўлсада, жамият томонидан 18 277 818 минг сўм харажат қилинган ёки режага нисбатан 10 905 336 минг сўм ошиқча харажат қилинган.

Бунга асосий сабаб “Шарункўмир” АЖ нинг 2020-йил январь-декабрь ойлари давомида “Бойсункўмир” МЧЖ да модернизация ишларини амалга оширганлиги, ҳамда “Шарғункўмир” АЖ таъсисчилигида 3 та МЧЖ лар очилганлиги ва уларга харажат қилинганлигидир

Молиявий натижа 2020 йил якуни бўйича жамият махсулот (ишлар хизматлар) сотишдан тушум 73 071 291 минг сўм бўлиб, сотилган махсулотлар таннархи 49 055 111 минг сўмни ташкил этган. 2020 йилни 107 605 минг сўм соф фойда билан якунланган.

## ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОР ҚАРЗЛАР

«Шарғункўмир» АЖ да дебитор ва кредитор қарзлари кўриб чиқилганда жамиятда 2020 йил 1-январь ҳолатида 200 555 589 минг сўм дебиторлик қарзлари мавжуд бўлиб, 31 декабрь холатига келиб дебиторлик қарзлари 152 832 462 минг сўмни ташкил этди. Дебитор қарздорликлар таркиби таҳлил қилинганда, асосий қисми 135 363 895 минг сўми, "Шарғункўмир" АЖ ни модернизация қилиш учун Хитой Эксимбанки кредит маблағлари ҳисобидан, CRTG-CCTEG компанияларига 01.06.2016-йилдаги №CRTG-CCTEG-UZ-SHARGUN-2016-01-сонли шартноманинг 1.6-бандига асосан ўтказилган 30% олдиндан тўлов эвазига юзага келганлиги, қолган 17 468 567 минг сўми маҳсулот сотиш, солиқ ва бюджет тўловларига олдиндан тўлов ва бошқа дебитор қарздорликлар юзасидан юзага келган. (Дебитор қарздорликлар тўғрисидаги маълумотнома илова қилинади)

Кредитор қарздорликлар таҳлил қилинганда, 2020 йил 1-январь ҳолатида 64 080 351 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2020-йил 31 декабрь ҳолатида 92 874 071 минг сўмни ташкил этган. Ушбу кредитор қарздорликлар таркиби таҳлил қилинганда, асосий қисми яъни 36 136 162 минг сўми «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ дан 14.08.2018-йилдаги №113-ЮР - сонли шартномага асосан олинган фоизсиз қарз ҳисобидан юзага келган. Қолган кредиторлик қарзлари бўйича маълумот тақдим этилади.

Бундан ташқари Хитой Халқ Республикаси Эксимбанкидан олинган 604 339 910 минг узоқ муддатли банк кредитлари ҳам мавжуд. Бу узоқ муддатли банк кредити тафсилоти қуйида кўрсатилади.

| | |
|---|---|
| Кредит суммаси: | 89 775 000 АКШ доллари. |
| Кредит фоизи | 3% |
| Кредит мажбурияти камисияси | 0,5% |
| Кредитни ташкилаштириш учун % | 0,5% |
| Кредит муддати | 20 йил |
| Кредитни имтиёзли муддати | 5 йил |

Бош ҳисобчининг ҳисоботи илова қилинади.

Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоб варағи тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қўйидаги Қарорлар қабул қилинди :**

1. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органига жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, харажатларни қисқартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

**Кун тартибидаги 6-масала юзасидан,** Жамиятнинг 2020 йил якунлари ва бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботи қуйидагича:

Корхонанинг асосий фаолияти кўмир қазиб чиқариш ва сотиш ҳисобланиб, 2020 йил давомида режа бўйича белгиланган 221,0 минг тонна ўрнига 246,8 минг тонна кўмир қазиб олиниб режага нисбатан 111,7 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврида 238,4 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлиб ўсиш суръати 103,5 фоизни ташкил қилди.

Кўмирни устки қатламини очиш (вскрыша) ишлари режадаги 1480,0 минг куб ўрнига амалда 1491,2 минг кубга, режага нисбатан 100,8 фоизга бажарилди.

Лаҳм ўтиш ишлари режадаги 4800,0 погона метр ўрнига амалда 5175,0 погона метрга, режага нисбатан 107,8 фоизга бажарилди.

Ёқилғи ортиш бўйича режада белгиланган 222,0 минг тонна ўрнига 242,7 минг тонна ортилиб, режага нисбатан 109,3 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг мос даврида 244,4 минг тонна бўлиб, 99,3 фоизни ташкил қилди.

Қора металл парчалари топшириш режаси 200,0 тонна бўлиб жорий йилда 200,6 тонна топширилиб, белгиланган топшириқ 100,3 фоизга бажарилди.

## II. Молиявий натижалар:

2020 йилда корхонанинг жами даромадлари 81 918,7 млн.сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17 779,4 млн.сўмга ёки 27,7 фоизга ошган (2019 йилда 64 139,3 млн.сўм ни ташкил қилган).

Даромадлар ёйилмаси қуйидагилардан иборат:

- Кўмир маҳсулоти сотишдан даромад (64665,2 млн.сўм) – 78,9 фоиз.
- Темир йўл хизматидан тушган даромад (8 312,8 млн.сўм) – 10,2 фоиз.
- Экспортдан даромад ( 93,3 млн.сўм) – 0,1 фоиз.
- Бошқа даромадлар (5593,4 млн.сўм) – 6,8 фоиз.
- Бойсун лойиҳасидан даромад ( 3254,1 млн.сўм) – 4,0 фоиз.

Жами харажатлар 80 665,6 млн.сўм ни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 18 836,2 млн. сўм ёки 30,5 фоизга ошган (2019 йил – 61 829,4 млн.сўм), шундан:

- Ишлаб чиқариш харажатлари 49 055,1 млн.сўм ни ва ўтган йилга нисбатан 3 977,9 млн.сўм ёки 8,8 фоизга ошган (2019 й – 45 077,3 млн.сўм).

Ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига асосий сабаб очиқ усулда кўмир қазиб олиш участкаларида олдин ер ости усулида қазиб олинган штолнялардан қайта фойдаланганлик сабабли кон юзасини очиш (вскрыша) ишларининг кўтарилиб кетиши, (Маълумот ўрнида: 2019 йилда 1 тонна кўмир қазиб олиш учун 5,9 м3 кон юзаси очилган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 9,0

м3 ни ташкил этди) кон юзасини очиш (вскрыша) ишларига ёз ойларида қўшимча ижарага техника жалб қилинганлиги сабаб бўлди.

"Автосарой" даги машина механизмлари ва автосамосвалларнинг ўтган йилларга нисбатан эскирганлиги ва карьер йўлларининг талабга жавоб бермаслиги ҳисобига авто эҳтиёт қисмлар учун харажатлар режага нисбатан ошиб кетди.

Портлатиш ишларига "Гидромахсусқурилиш" АЖ корхонаси жалб қилинган бўлиб, 2020 йилда жами 3187,7 млн. сўмлик портлатиш ишлари бажарилган. Жамиятнинг 2020 йил "Бизнес режа"сига портлатиш ишларига жами 3 751,0 млн.сўм прогноз қилинган, ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткичнинг ошиб кетишига асосий сабаб ер ости усулида кўмир қазиб олишнинг ошгани, яъни 2019 йилда ер ости участкасидан 25,9 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 2020 йилда 56,0 минг тонна ёки 116,0 фоизга кўмир қазиб олиш ҳажми ошган. Ер ости усулида кўмир қазиб олиш хажмининг ўтган йилга нисбатан бир баробарга ўсиши ёғоч материаллари ва портлатиш ишлари харажатларининг ошиб кетишига сабаб бўлди.

Бошқа қурилиш ва хом-ашё материаллари харажатларининг 2019 йилга нисбатан ошишига асосий сабаб 2020 йилда 2 та янги 13-15 сонли штолняларда тоғ-кон таёрлов ишлари олиб борилиб, тоғ-кон асбоб-ускуналар ва темир мустаҳкамлагичлар (СВП-22) билан тоғ-кон лаҳмлари ўтилди.

Электрэнергия харажатларининг 2019 йилга нисбатан ошиб кетишига сабаблар 2019 йил 15 августдан электрэнергия нархининг ошиши ва ер ости усулида кўмир қазиб олиш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан бир баробарга ўсиши.

1-АҲККВ хизмати харажатларининг 2019 йилга нисбатан ошишига асосий сабаб ойлик иш ҳақи ва 1-АҲККВни сақлаш харажатлари нархининг ошиши.

Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати харажатлариниг ошишига сабаб янги очилган Портловчи моддалар сақлаш омбори учун қўриқлаш пункти қўшилди.

- Кўмир сотиш таннархи 1 тонна кўмир учун – 198 791 сўмни ташкил қилиб, 2019 йилга нисбатан 9 717 сум ёки 5,1 фоизга ошган (2019 йил – 189 074 сўм).

- Давр харажатлари 31 610,5 млн.сўм ни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 14 858,4 млн.сўм ёки 88,7 фоизга ўсган (2019 й – 16 752,1 млн.сўм).

Давр харажатларининг ўсишига асосий сабаблари, ўтган 2019 йилда темир йўл хизмати харажатлари сотиш харажатларига қўшилмаган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сонли қарорида, ҳамда 2018 йил 19-20 январ кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи ҳамда Қизириқ туманида ўтказилган йиғилиш якунлари бўйича баённомада ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг "Бойсун кўмир конининг "Жанубий" участкаси шарқий қанотидан йилига 50 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқариш" лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида” 2019 йил 16 июлдаги 896-Н-сонли буйруғида берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида, Бойсун кўмир конидан тошкўмир қазиб чиқаришни қайта тиклаш учун 5,0 млн.долларлик “Бойсун кўмир кони “Жанубий” участкасининг шарқий қанотидан йилига 50 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқариш” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, 2019 йил 24 июлда “Шарғункўмир” АЖ (пудратчи) ва “Бойсункўмир” МЧЖ (буюртмачи) ўртасида 37-сонли пудрат шартнома имзоланган. Лойиҳа бўйича ҳозирги кунга қадар “Шарғункўмир” АЖ (пудратчи) томонидан (685 метр) 3,96 млрд.сўм ва (2 дона махсус техника) 1,62 млрд.сўм, жами 5,58 млрд.сўмлик ер ости кон лаҳмларини ўтиш, асбоб-ускуналар, техникалар, материалларни харид қилиш ишлари ва бошқа харажатлар амалга оширилди.

Бундан ташқари 2020 йил феврал ойида ойлик иш ҳақи 10 фоизга оширилган.

Лизинг шартномаси орқали олинган махсус ер ости техникаларининг фоиз харажатлари -270,6 млн.сўмни ташкил қилди.

2020 йил 20,21 ва 31 март кунлари ҳамда 13,15 май кунлари Республиканинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида, шу жумладан “Шарғункўмир” АЖ ҳудудида ва унинг тасарруфидаги “Бойсункумир” МЧЖ ҳудудида ҳам узлуксиз ва шиддатли ёмғир ёғиши оқибатида сел келиши туфайли технологик йўлларга, моддий бойликларга ва кўмир омборларига жиддий шикаст етказиш ҳолатлари кузатилган.

Жумладан: 2020 йил 20,21 ва 31 март кунлари “Бойсункумир” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Шарғункўмир” АЖга қарашли кўмир омборидаги кўмир маҳсулоти бўйича 930 тоннани ёки 269,1 млн.сўмни ташкил килди.

2020 йил 13 – 15 май кунлари “Бойсункўмир” МЧЖ ҳудудида жойлашган “Шарғункўмир” АЖга қарашли кўмир омборидаги кўмир маҳсулоти буйича 855 тоннани ёки 247,4 млн.сўмни ташкил қилди. “Шарғункўмир” АЖ ҳудудига етказилган зарар кўмир маҳсулоти бўйича 700 тоннани ёки 202,5 млн.сўмни ташкил қилди.

Жами фавқулоддаги зарар- 719,0 млн.сўмни ташкил қилди.

Барча солиқ ва бошқа бюджет тўловларини амалга оширгандан кейин корхонанинг 2020 йилдаги соф фойдаси 107,6 млн.сўмни ташкил қилди.

Кўрилган соф фойда “Шарғункўмир”АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилади.

Ҳисобот даврида ишлаган ходимларнинг ўртача сони 552 киши бўлиб, уларга иш ҳақи фонди ҳисобидан 23 681,0 млн сўм миқдорида иш ҳақи тўлаб берилган. Натижада корхона ходимларининг ўртача иш ҳақи 3 578 270 сўмни ташкил қилиб, 2019 йил га нисбатан 963 668 сўмга ёки 36,9 фоизга ошишига эришилган.

Маъруза илова қилинади:

Жамият бош директорининг ҳисоботини тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.
Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича қўйидаги Қарорлар қабул қилинди :**

1. Жамият томонидан 2020 йил якуни бўйича олинган 107,6 млн.сўмлик соф фойдаси "Шарғункўмир"АЖни модернизация қилиш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилсин.

**Кун тартибидаги 7-масала юзасидан,** Жамиятнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича бош директор ўринбосари в.б: Ж.Ю.Шойматов сўзга чиқиб ҳисобот берди. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий стандартлари ҳамда ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларидан ўтказиш бўйича 2021 йил 26 февралдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан МЧЖ шаклидаги "АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ" Аудиторлик ташкилоти билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартнома имзоланган бўлиб, - жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича БҲМСга мувофиқ ташқи аудиторлик текшируви хулосаси, жамиятнинг 2020 йилги молиявий ҳиоботларини МҲХС (МСФО) халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик хулосалари билан мажлис қатнашчиларини таништириб ўтди. Унга кўра "АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ" Аудиторлик ташкилотининг 2021 йил 12 мартдаги №042 сонли аудиторлик хулосасида жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик ҳисоботларининг ҳолати тўғри акс эттиришини қайд этиб, ижобий хулоса берилганлиги таъкидланди. (Аудит хулосалари илова қилинади).

Шундан сўнг "Шарғункўмир"АЖ Тафтиш комиссияси раиси А.А.Шакиров сўзга чиқиб ўз нутқида жамият тафтиш комиссияси "Шарғункўмир" акциядорлик жамияти томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан, 2020 йил якуни бўйича текшириш ўтказилганлиги бўйича тўхталиб, Кузатув кенгаши томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди:
Тафтиш комиссиясининг хулосаси илова қилинади.

**Овоз бериш натижалари:**

Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича ташқи аудит ҳулосаларини ва жамият тафтиш комиссияси ҳулосасини тасдиқлаш учун овозга қўйилди

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.
Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича қўйидаги**

**Қарор қабул қилинди:**

1. Жамиятнинг 2020 йил фаолиятини миллий стандартлари ҳамда ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларидан ўтказиш бўйича йиллик молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра “АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ” Аудиторлик ташкилоти хулосаси тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссиясининг ҳулосаси тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 8 масала юзасидан,** “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ бошқарувининг 2021 йил 29 январдаги 01/345-21-сонли хатида илова қилинган кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодлар рўйхати берилган:

1. Омонов Хайитбай Ахмадалиевич – “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б.;
2. Одилов Фаррух Баходирович - “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари;
3. Асқаров Музаффар Турсунбоевич – “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи;
4. Зайниддинов Нуриддин Савранбекович - “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ Саноат фаолиятини ташкил этиш ва назоратини бошқариш бошқармаси бош муҳандиси.

Ушбу номзодлардан ташқари “Ўзбеккўмир”АЖ нинг 2021 йил 15 февралдаги 01-13-49- сонли хатларида илова қилинган кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодлар рўйхати берилганлигини маълум қилди:

1. Якубов Эркин Олламович – “Ўзбеккўмир”АЖ нинг бош директор ўринбосари;
2. Жураев Эркинжон Валиевич - “Ўзбеккўмир”АЖ бош геологи;
3. Рахматилаева Фотима Асатилаевна - “Ўзбеккўмир”АЖ нинг мулклар билан ишлаш хизмати етакчи мутахассиси.

Жамият Уставига кўра кузатув кенгаши аъзолари 7 кишини ташкил этишини инобатга олган ҳолда ушбу юқорида келтирилган 7 та номзодларни жамият кузатув кенгашига сайланиши учун акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали ҳамда шахсан иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

8.1. “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б: Омонов Хайитбай Ахмадалиевич, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари: Одилов Фаррух Баходирович, “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи: Асқаров Музаффар Турсунбоевич, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Саноат фаолиятини ташкил этиш ва назоратини бошқариш бошқармаси бош муҳандиси: Зайниддинов Нуриддин Савранбекович.

“Ўзбеккўмир”АЖ нинг бош директор ўринбосари: Якубов Эркин Олламович, “Ўзбеккўмир”АЖ бош геологи: Жураев Эркинжон Валиевич, “Ўзбеккўмир”АЖ нинг мулклар билан ишлаш хизмати етакчи мутаххасиси: Рахматилаева Фотима Асатилаевналар номзодлари жамият кузатув кенгаши таркибига сайланишлари тасдиқлансин.

8.2. **Жамият Кузатув кенгаши раисига ўз вазифасини бажариб турган даврнинг ҳар ойида** Ўзбекистон Республикасида белгиланган Базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баровари миқдорида ва кузатув кегаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган даврнинг ҳар ойида Базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баровари миқдорида ҳақ ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш тўловлари тўлансин.

**Кун тартибидаги 9 масала юзасидан,** Жамият Уставига кўра тафтиш комиссияси 3 кишидан ташкил топишини эслатиб ва “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ бошқарувининг 2021 йил 29 январдаги 01/345-21- сонли хатида илова қилинган тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун қуйидаги номзодлар рўйхати берилганлигини маълум қилди:

1. Абдухакимова Нозима Ровшановна – “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси етакчи мутахассиси;
2. Шакиров Азамат Аскаралиевич - “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи;
3. Юлдашев Жамолиддин Ярашевич – “Ўзбекистон темир йўллари”АЖ Ички аудит хизмати аудитори.

Жамият Уставига кўра тафтиш комиссияси аъзолари сони 3 кишини ташкил этишини инобатга олган ҳолда ушбу юқорида келтирилган 3 та номзодларни жамият тафтиш комиссиясига сайланиши учун акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали ҳамда шахсан иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар **-** йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

9.1. "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси етакчи мутахассиси: Абдухакимова Нозима Ровшановна, "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи: Шакиров Азамат Аскаралиевич, "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ Ички аудит хизмати аудитори: Юлдашев Жамолиддин Ярашевичлар номзодлари жамият тафтиш комиссияси таркибига сайланишлари тасдиқлансин.
9.2. Тафтиш комиссияси томонидан чорак якунидан сўнг жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш ўтказилсин ва натижалари тўғрисидаги хулосалар Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилинсин.
9.3. Ҳар чорак якуни бўйича (хар чоракда бир марта) Тафтиш комиссияси раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган Базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 баровари миқдорида, хар бир аъзосига ўз вазифасини бажариб турган даврнинг (хар чоракда бир марта) Базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баровари миқдорида ҳақ ва (ёки) ўз функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш тўловлари тўлансин.

**Кун тартибидаги 10-масала юзасидан,** Х.Н.Абдуллаев билан бош директор вазифасини вақтинча бажариш учун у билан тузилган меҳнат шартномасини кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклиф этилади.

Жамият бошқарув аъзолари жамият Уставида белгиланганидек 5 кишидан ташкил топиши белгилаб ўтилган бўлиб ва жамият бошқаруви аъзолигига Х.Н.Абдуллаев, Ш.Ж.Сурхонов, Ж.Ю.Шойматов, С.Х.Абдиев, Ш.Б.Файзуллаевларни кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар сайлашти таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.
Бир овоздан қабул қилинди.

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:**

1.Жамият Кузатув кенгаши ўрнатилган тартибда жамият ижроия органи билан меҳнат шартномасини имзолансин.

2.Жамият бошқаруви аъзолари қуйидаги таркибда эгаллаб турган лавозими бўйича тасдиқлансин:

1. Жамият бош директори в.б: - Абдуллаев Х.Н.;
2. Жамият бош муҳандиси в.б: - Сурхонов Ш.Ж.;
3. бош директорнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари в.б: - Шойматов Ж.Ю.;

4. Жамиятнинг бош хисобчиси в.б: - Файзуллаев Ш.Б.;
5. Прогнозлаштириш таҳлил ва иқтисод бўлими бошлиғи: - Абдиев С.Х.;

**Кун тартибидаги 11-масала юзасидан,** “Шарғункўмир”АЖнинг 2020 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун “АФРОСИЁБ АУДИТ СТАНДАРТ” Аудиторлик ташкилоти томонидан ўрганиб чиқилди ва жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаси бўйича юқори деб баҳоланди.

Акциядорлардан қуйидаги масалани тасдиқлаб беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди

**Умумий йиғилиш кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича қўйидаги Қарор қабул қилинди:**

1.Жамиятнинг Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш меъзонлари тўғрисидаги низом”ни амалга ошириш мақсадида “Шарғункўмир”АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари 110,75 фоизга бажарилди. 2020 йилда “Шарғункўмир”АЖнинг фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини бажарилиши илова қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартиби масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

Жамиятнинг 2020 йилдаги фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида Жамият бош директорининг ҳисоботи тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги 13-масала юзасидан,** “Шарғункўмир” АЖ бош директори в.б: Х.Н.Абдуллаев сўзга чиқиб, ўз нутқида жамиятнинг 2021-йилга

мўлжалланган жамиятни истиқболини белгиловчи бизнес режа параметрлари бўйича, қуйидагиларни айтиб ўтди.

"Шарғункўмир" АЖ да 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги томонидан тасдиқланган 2021 йилда кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансига асосан кўмир қазиб чиқариш ва ёқилғи ортиб жўнатиш 332,0 минг тонна қилиб белгиланган.

Ишлаб чиқариш дастурига биноан 332,0 минг тонна кўмир маҳсулотини қазиб чиқариш учун кўмир устки қатламларини очиш (вскрыша) ишлари 780 минг м.куб, ер ости лаҳм ўтиш ишлари 3 700 п/м га режалаштирилди.

Белгиланган режани бажарганимизда жамиятнинг жами даромадлари 109 117,2 млн.сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

- Кўмир маҳсулоти сотишдан даромад (88 432,2 млн.сум) – 81,0 фоиз.
- Темир йўл хизматидан тушган даромад (17 874,0 млн.сум) – 16,4 фоиз.
- Бошқа даромадлар (2 811,0 млн.сум) – 2,6 фоиз.

шу жумладан: 17 874 млн.сўм махсус қўшимча.

Кўмир қазиб чиқариш амалдаги нархларда режа бўйича 88 432,2 млн.сўмдан иборат.

Кўмир маҳсулотини қазиб чиқариш харажатлари 65 989,4 млн.сўмни ташкил қилади.

Шу жумладан:

- Материаллар – 19 014,3 млн.сўм;
- Хизматлар –2 721,4 млн.сўм;
- Ёқилғи мойлаш маҳсулотлари – 6 410,4 млн.сўм;
- Электроэнергия – 2 359,6 млн.сўм;
- Сув – 5,4 млн. сўм;
- Иш ҳаққига – 23 330,8 млн.сўм;
- Иш ҳаққидан тўловлар – 2 799,7 млн.сўм;
- Амортизация – 3 753,2 млн.сўм;
- ва бошқа харажатлар – 5 594,6 млн.сўм;

Кўмир маҳсулотини қазиб чиқариш харажатлари таннархи 1 тонна маҳсулот учун 198,8 минг сўмга режалаштирилди.

Жами давр харажатлари: 38 582,8 млн.сўм бўлиб шу жумладан:

- Сотиш харажатлари – 18 438,4 млн.сўм;
- Бошқарув харажатлари – 5 105,4 млн.сўм;
- Бошқа операциялар – 9 039,1 млн.сўм;

Ишлаб чиқаришнинг жами харажатлари 80 698,2 млн.сўмни ташкил қилади.

1 265,0 млн.сўм фойда солиғи тўлагандан сўнг жамиятнинг 2021 йил жамиятнинг соф фойдаси 9 279,6 млн.сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Кўрилган соф фойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31 март 2015 йилдаги № 75- сонли Қарорига асосан техник

қайта таъмирлаш яъни “Шарғункўмир” АЖ ни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилади.

***Маъруза илова қилинади.***

Кун тартибидаги масала юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибидаги масала юзасидан масофадан туриб электрон овоз бериш яъни **evote.uz** тизими орқали иштирок этган акциядорларнинг Овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар – **7 019 434** та овоз, қаршилар - йўқ, бетарафлар – йўқ.

Бир овоздан қабул қилинди.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича қабул қилинган қарор:**

Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режаси тасдиқлансин.

**Мажлис раиси:** **Х.А.Омонов**

**Котиб** **Х.А. Ташкулов**

Баённома тузилган ва имзоланган сана “20” 08 2021 йил

## КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ

| № | Ф.И.О | Ким томонидан берилган | Паспорт рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | Омонов Хайитбай Ахмадалиевич | Тошкент шаҳри, Мирзо - Улуғбек тумани ИИБ | АА1596554 |
| 2 | Якубов Эркин Олломович | Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ | АА0802273 |
| 3 | Одилов Фаррух Баходирович | Тошкент шаҳри, Мирзо - Улуғбек тумани ИИБ | АА4846119 |
| 4 | Асқаров Музаффар Турсунбоевич | Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ | АА2022414 |
| 5 | Зайниддинов Нуриддин Савранбек ўғли | Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ | АА5704084 |
| 6 | Жўраев Эркинжон Валиевич | Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ИИБ | АА4124415 |
| 7 | Рахматилаева Фатима Асатилаевна | Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ИИБ | АА9710570 |

## ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ

| № | Ф.И.О | Ким томонидан берилган | Паспорт рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | Шакиров Азамат Аскаралиевич | Тошкент шаҳар Хамза тумани ИИБ | АА4830402 |
| 2 | Юлдашов Жалолиддин Ярашевич | Хоразм вилояти Урганч тумани ИИБ | АА6608421 |
| 3 | Абдухакимова Нозима Ровшановна | Тошкент шаҳар Шайҳантохур тумани ИИБ | АА4925172 |

## ИЖРОИЯ ОРГАНИ АЪЗОЛАРИ

| № | Ф.И.О | Ким томонидан берилган | Паспорт рақами |
|---|---|---|---|
| 1 | Абдуллаев Хамза Найимович | Бухоро вилояти Когон шаҳар ИИБ | AA6398477 |
| 2 | Сурхонов Шавкат Журакулович | Сурхондарё вилояти, Сариосиё ТИИБ Шарғун ШМБ | AA5697488 |
| 3 | Шойматов Жамолиддин Юсупович | Сурхондарё вилояти, Музработ тумани ИИБ | AA5208058 |
| 4 | Файзуллаев Шайдулла Бобоқулович | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар ИИБ | AA5002468 |
| 5 | Абдиев Сами Хасанович | Сурхондарё вилояти, Сариосиё ТИИБ Шарғун ШМБ | AA3817803 |